

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



1998 йил 13 ноябрь

Сотувда эркин нархда № 225 (2006)

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ҲАҚИДА

Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон — буюк келажак сари" янги китобининг ўрганишга бағишланган йиллиги бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар йўлбошчимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, унинг дастлабки натижалари, келгусидаги вазифалар баён этилган бу китобини ўқиб ўрганиш давримиз талаблари ва келажакимизни тегаран англашда муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилишини таъкидлашди.

ЎзА

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 ноябрь куни АҚШ конгрессининг сенатори Ричард Шелби раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари, меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари жадал ривожланиб бораётганини, мамнуният билан қайд этди.

— Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари, — деди Ислам Каримов, — Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар, сармоя ётқиқиш билан боғлиқ тад-

бирлар ҳақидаги маълумотлар билан яхши танишсиз, деб ўйлайман. Хусусан, пахтачилик соҳасидаги алоқаларимиз изчил ривожланипти. Америкалик шериклар билан пахтони қайта ишлаш бўйича иккита корхона лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Маълумки, сенатор Р.Шелби бундан уч йил бурун Ўзбекистонга келган эди. Унинг навбатдаги ташрифидан кўзлаган мақсади ўтган

вақт мобайнида амалга оширилган ислохотлар натижалари, демократия тамойилларини мустаҳкамлаш бора-бори ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берётган янгиланишлар билан танишишдир.

АҚШ конгрессининг сенатори юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижаларига юксак баҳо бериб, Ўзбекистоннинг халқроқ мой-дондаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг, иқтисодий ҳаётдаги сармоя жалб этиш масаласига алоҳида эътибор билан қарашини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимиде Ўзбекистон Республикаси Президентининг Довлат маслаҳатчиси А.Файзуллаев, ташқи ишлар вазири А.Комбаров иштирок этди. Қабул маросимиде АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Ж.Пресел ҳозир бўлди.

(ЎзА)

СУРАТЛАРДА: қабул пайти. А. ТУРАЕВ олган суратлар.

ТОШКЕНТ: ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ ТИНЧЛИК МАДАНИЯТИ БЎЙИЧА ДЕКЛАРАЦИЯНИ МАЎҚУЛЛАДИ

6 ноябрь куни Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 155-сессияси ўз ишини тугатди. ЮНЕСКО раҳбар идорасининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати таклифига кўра Ўзбекистон пойтахтида ўтган якуний мажлиси бутунлай тинчлик маданияти мавзусига бағишланди.

Шу муносабат билан Ижроия кенгаши бир овоздан Тошкент Декларациясини қабул қилди. Унда: "аъзо давлатлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тизими муассасалари, бошқа ҳукуматларро ва ноҳукумат ташкилотларга халқроқ тинчлик маданияти йиллини 2000 йилда хотирда қоладиган тадбирлар билан нишонлаш, уни яхши ўтказиш учун ҳозирланок барча чораларни кўришни таклиф этилиб ва бу билан бардошлилик ва бир-бирини тушуниш, қашшоқлик ва беғоналик билан курашни қадриятлари тасдиқланади. Бу эса, энг аввало, аёллар ва ёшларга фойда келтиради", дейилди.

ЮНЕСКО Ижроия кенгаши раиси Пал Патаки Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мажлисдаги иштирокини оқшайлаш шундай деди: "Ўзбек йиллари Ўрта Осиёда Буюк Ипак йўли бўйлаб саёбат қилиш, тартиб ва минтақа кўп юз йиллар давомида урғушув ва алмашувлар чораси билан бўлсада, фақат орзу бўлиб келди. Биз маълум танаффусдан сўнг Ўрта Осиё тарихи учун асосий тушунича ҳисобланган алоқаларнинг қайтадан сиёсат, маданият ва иқтисод соҳасида алмашувларга имкон берганидан хурсандимиз".

Ўзбекистон фахри бўлган машҳур шахарлар — Хива, Бухоро, Самарқанд, Ибн Синодан Улуғбеккача бўлган фан ва маданият арбоблари номларини санаб туриб, Ижроия кенгаши раиси таъкидлади: "Ўзбекистон ўзининг кўп минг йиллик тарихи туфайли мустақкам айналар мамлакатни экани аниқ. Аммо шу билан бир вақтнинг ўзига келажакка ниҳот ташлаётган мамлакат ҳамдир. Ўтмиш юки билан боғлиқ барча қийинчиликларни англаган ҳолда биз Ўзбекистон эришган ютуқларини оқшайлашмиз".

Президент Каримов тинчлик маданиятини қатъий қўллашнинг изҳор этиб: "Менинг назаримда, тинчлик маданияти гоёси XXI асрдаги умуминсоний тараккият философиясининг манбаи бўлиб хизмат қилади... Бу гоё бутун ҳам дунёда тинчлик ва

барқарорлиқни сақлаб қолиш йўлида халқларни бирдамлик ва ҳамкорликка даъват этилиб лозим" деди. Ислам Каримов ўз мамлакатиде турли динларнинг тотувлиқда яшаб келганини, бунинг эса барчанинг биргаликда яшаш имконияти борлиги тасдиқ эканини эслатиб: "Кириб келатган XXI асрда дунёни маданият ва маънавият қутқаради", деди.

Ислам Каримов ўз мамлакатининг Ўзбекистон 1993 йилда аъзо бўлиб қирган ЮНЕСКО билан яқин ўтмишдаги самараларни қадриятлари юқори баҳолади. У ўзининг ташвишга соғлан "сайёранинг энг йирик экологик таълофатларидан бири" — Орёл денгизи муаммолари бўйича халқроқ маслаҳат қўмитаси тузилишини оқшайлади. "Ишончим комилки, халқроқ илмий ҳамжамиятнинг биргаликдаги сайёра-қатлари Орёл денгизи хавфсизлиги сув-экология муаммоларини ҳал этишга амалий таъсир қилади", деб таъкидлади Президент.

ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ўз навбатида Президент Каримовнинг Ижроия кенгашининг сессияси ишдаги иштирокининг муҳимлигини таъкидлаб, унга якуний мажлисини Тошкентда ўтказишни таклиф этилиб унинг миннатдорчилиги билдирилди: "ЮНЕСКО ўз фаолиятини аъзо мамлакатларда, кўпроқ ривожланган мамлакатлар ва ўтмиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларда юрғутади. Худди шу сабабдан Ижроия кенгашининг бизнинг энг ёш аъзолари билан бири — Ўзбекистон таклиф этилиб жуда муҳимдир".

Ф.Майор тинчлик маданияти устида тўхтаб, унинг борган сари қўллаб — қувватланганини, масалан, БМТ Бош Ассамблеяси, Африка бирдамлиги ташкилоти, Парламентларо иттифок шу муносабат билан муҳим резолюция қабул қилинганлигини таъкидлади. "Тинчлик маданияти — аниқ ҳаракатлар орқали тинчлик ва зўравонлик ўтказмаслиқни қўллаш, хусусан инсон ҳуқуқларига, адолат ва демократияга риоя этиш — ЮНЕСКОнинг 1995 йилдаги бошлангич лойиҳасида мўлжалланганидан анча

илгари кетди", деди у. Сизга маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси 2000 йили Халқроқ тинчлик маданияти йили деб эълон қилган ва уни ўтказишдаги етакчи ролни ЮНЕСКОга юқлаган... Бу гоё жамиятнинг етакчи қатламлари, минтақавий ва бутун жаҳон кўламини кўп сонли ҳукуматларро ва ноҳукумат ташкилотлар томонидан қувватланган. Тез орада Декларация ва Харақатлар режаси БМТ Бош Ассамблеясига тақдим этилди. Шундан сўнг БМТнинг барча тизимлари ўз дастуриларида тинчлик маданияти соҳасидаги тадбирларни қўлайлаштирди... ЮНЕСКО тинчлик маданияти ҳаракатида бошлангич турткини берган ҳолда БМТ ва умуман дунё ҳамжамияти доирасида ўзининг ахлоқий ва ақлий миссиясини амалга оширади".

Федерико Майор Ижроия кенгаши мажлисида Президент Ислам Каримовга ЮНЕСКО ташкилотининг Абу Али ибн Сино номлидаги олтун нишонини топшира туриб таъкидлади: "Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон ўзининг шошди ўтмишнинг оқмоқда ва ўзининг маданият илмлариде олод ва демократик, ўз ўтмиши билан фахрланувчи ва келажакка ишончи билан боқувчи замонавий жамият бўлиб етиш учун илҳомланмоқда".

Сўзга чиққан Ижроия кенгашининг барча аъзолари Ўзбекистон ҳукуматига таклиф учун миннатдорчилик билдирилди ва 155-сессия кун тартибининг сўнги банди — Тошкент Декларацияси ҳақида ўз фикрларини билдирилди. Ижроия кенгаши БМТ Низомида ўз аксини топан "келажак авлодини уруш офатларидан сақлаб қолиш" қақирини яна бир бор тасдиқланган ва ЮНЕСКО Бош директори тинчлик маданияти борасидаги ташаббуси ва уни ёйиштириб фаол қўямга учун миннатдорчилик билдирилган резолюция матнини бир овоздан маъқуллади. Матн тинчлик маданиятига "адолат ва демократия, бардошлилик ва бирдамлик, зўриқни рад этувчи ва жанжаллар бошлангичланок олинди олиш, муаммоларни муло-

қот ва музокаралар йўли билан ҳал этувчи, ҳар бир кишининг ўз жамияти ички ривожиде барча ҳуқуқ ва имкониятларининг тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши таъминлайдиган маданият" сифатида изох берган.

Декларация инсониятнинг янги минг йилликка ўтиш тарихий туб бурилишини ифода этиди, деб ҳисоблайди. Бунда барча аёл ва эркаклар тўлиқ ишонч билан илгарилари тез-тез урушлар, зўриқ ва ижтимоий адолатсизлик манбаи бўлиб келган фикр ва феъл-атвордан воз кечиб маданиятнинг олиб, тинчлик маданиятига асосланган келажакка олиб борувчи фикр ва феъл-атворни қабул қилишлари керак бўлади.

Тошкентда қабул қилинган ҳужжат яна бир бор шунинг тасдиқлайди, "ЮНЕСКО томонидан ўтказилаётган тадбирлар тинчлик маданияти шаклланишига кўмак бермоқ лозим" ва "ЮНЕСКОнинг таълим соҳасида бардошлилик, инсон ҳуқуқлари ва демократия тамойилларига содиқлигини" алоҳида таъкидлади.

Декларация аъзо мамлакатлар, турли ташкилотлар ва муассасаларни 2000 йилда Халқроқ тинчлик маданияти йилини муваффақиятли ўтказишга қақирди.

Матнда кўрсатилган меҳмондорчилик учун Ўзбекистон номига ЮНЕСКО Ижроия кенгаши томонидан мақсус тасдиқланган миннатдорчилик ҳам ўрин олган. Ижроия кенгаши раиси сессия натижаларини яқунлаб қўйидаги хулосага келди: "Биз томондан 54 та резолюция қабул қилиниб, ЮНЕСКОнинг 2000-2001 йиллари дастури ва маълумат тетиши ва олиндан берилган таклифларга биноан ўзимизнинг тавсониюларимизни туздик...". У "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 50 йиллиги, хотира бурчи ва хушёрлик зарурити — қўлиқдан инсон қадр-қимматиинг тикланиши сари" мавзусидаги мунозаранинг муваффақиятли ўтгани ва унда ер қурсининг турли минтақаларининг кўзга қўйилган намуналарини қатнашганини эслатиб ўтди. Пал Патаки мажлис якунида: "Ижроия кенгаши — ёпиқ ташкилот эмас, у бутун дунё ва унинг муаммолари билан уй-йул боғлиқ", деб таъкидлади.

Париж, 1998 йил ноябрь

МАЪНАВИЯТ

УЙ СЕНИКИ, ТҲҲ СЕНИКИ, АММО УДУМ ХАЛҚНИКИ...

Йўлбошчимиз айтган Уйғоқ Сўз юртдошларимиз кўнглини ларзага солмоқда

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоят кенгашлари сессияларида оғи ердан узилган амалдорлар, инсоф ва адолат, маънавият ва ёшлар ҳақида ёниб-қўйиб айтган оқилона фикр ва мулоҳазалар, шунингдек, тўйлардаги миллий анъаналардан четга чиқиш, асбасою дабдабозлик, исрофгарчилик, халқнинг азалий қадриятларини оёқости қилишга қарши қаратилган Президент Фармони кенг жамоатчиликда ларзага солувчи фикрлар уйғотмоқда.

Йўлбошчимиз илгари сўрган муаммолар — маънавий қашшоқлик, шунинг оқибатида амалли суиистеъмоқ қилиш, ҳаром-ҳарий мол-дунё орттириб дангиллама қасрлар қуришга, шоҳона яшашга интилиш, халқни назар-нисанд этмаслик ҳоллари диёнатли ҳар бир кишини ўйлантириб келатган эди. Шунинг учун ҳам бугун ёшлар, хизматчилар, ўқитувчилар — кенг жамоатчилик юрагидеги гапни рўй-рост айтмоқда, йўлбошчимизнинг узоқни кўзлаб билдирган эзгу фикрларини, хайли тадбирларини қўллаб-қувватламоқда.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОПАДИ, ЁМОНДАН ДОҒ...

- * Инсоф ва адолат ҳамма нарсадан устун
- * Маънавий бойлик моддий бойликдан улуг
- * Элға ош бир марта берилди
- * Бирники минта, мининики туманга

Халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоят кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида йўлбошчимиз Ислам Каримовнинг жамиятимизда поклик, инсоф ва адолат ўрнатилиш борасида қуёниб айтган фикрлари ҳар биримизнинг юрагини зирқиратиб юборди. Президентимизнинг айрим раҳбарлар кирдиқорини хаспўшламасдан, халқнинг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, содир бўлган ижтимоий адолатсизлик илдишларини таҳлил қилиши, кишилари инсоф ва адолатга қақирини биз — катта ошчи раҳбарлар ибрат қилишимиз лозим

бўлган ҳиселтир. Шу ўринда, айтиш керакки, маънавий бойликнинг моддий бойликдан устун қўйилиши ва бу давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, йўлбошчимиз қабул қилган тўй ва бўлак маросимлардаги дабдабозлик, моҳият-эътибори билан эса, исрофгарчилик ва манманликка қарши қаратилган Фармон чин маънода маънавий ҳаётимиздаги тарихий ҳодисадир.

Шу ҳақда ўйлар эканман, бир воқеа сира хаёлимдан нари кетмайди. 1961 йили Фирдавсий маҳалласидаги олимгина бир ҳовлини олиб қўчиб келди. Аллоҳга шукрки, кўп йиллар шу ерда кўни-қўшиллар билан аҳил ва оёсийишта ис-

тиқомат қилдик. Эл қатори ўғилларим камол топди. 1979 йилнинг кузида тўнғич фарзандимизни уйлантирадиган бўлдик. Маҳалла оқсоқоллари, биринчи навбатда Аҳмадқаров деган отахон билан маслаҳат қилдик. Кўпни кўрган қариялар, қирқ килограмм гуруч дамлангангиз этиди, дейишди. Наҳорги ошга мен бутун маҳалла, ёру дўст ва ҳатто ҳамқишлоқларни ҳам айтдим, албатта. Тўй жуда файзли ўтди. Орадан икки-уч йил ўтган, иккинчи ўғилни уйлантирадиган бўлдик. Табиийки, маслаҳатга яна маҳалла оқсоқолларини, яна уша отахон — Аҳмадқаровнинг таклиф этдим ва келин туширмоқчи, шу муносабат билан маҳаллага ош бермоқчи эканлигини айтдим. Шунда раҳматли Аҳмадқаров бундай деган:

(Давоми 3-бетда).

ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИНИНГ 155-СЕССИЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ижроия кенгаши

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Хазрати Олийлари жаноб Ислам Каримовга тинчлик маданияти ва аъзо давлатларда ЮНЕСКО фаолияти билан боғлиқ Декларацияни кўриб чиқиш учун Кенгашининг 155-сессиясининг якуний мажлисини 1998 йилнинг 6 ноябрида Тошкентда ўтказиш тўғрисидаги лутфан таклифи учун миннатдорчилик билдилади.

2. Самимий меҳмоннавозлик ва Ўзбекистонда кенгашини намунали ташкил этгани учун Ўзбекистон ҳукумати ва халқига чўқур ҳурматини билдилади.

Тошкентдаги мажлисга Ўзбекистон Президентининг лутфан қилган ташаббусига кўра йиллиқ.

Ўзбекистон тарихий мероси бойлиқларидан ва демократлаштириш ва тинчлик руҳида ўзининг маданий қадриятларини сақлаш ва кўпайтириш ҳоҳишидан ҳамда ўзининг тинчлик маданиятини тиклашга кўмаклашишга интилишларини янада мустаҳкамлаган ҳолда,

Ижроия кенгаши 1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида битилган "Келажак авлодини уруш таълофатларидан фориғ этиш"га интилишга бўлган мойиллигини қайта тасдиқлаб,

2. ЮНЕСКОни ташкил этишга "бутун дунё халқларининг таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик қилишлари орқали халқроқ тинчлик ва умумбаршар фаровонлигига аста-секин эришиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тасис этилишига сабаб бўлганлигини", ёллаб,

3. Бош директорга тинчлик маданияти бораси-

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

«Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатлардаги фаолияти»

даги ташаббуси ва маъкур юнни ёйишдаги улкан ҳисса учун миннатдорчилик билдирилган ҳолда,

4. Бош конференциянинг 28-сессиясида қабул қилинган 1996-2001 йилларда ўрта муқаддлати стратегия тўғрисида қабул қилинган 012 резолюцияни эслатиб, унда "бугун, XX аср охирида асосий вазифа уруш маданиятидан ушбу тинчлик маданиятига ўтишни бошлангичини таъминлаш деб ҳулоса чиқарилади.

а) озолиқ, адолат ва демократия, бардошлилик ва бирдамлик тамойилларига асосланган дўстона ва иттифок маданияти,

б) зўравонлиқни қайтарувчи ва инзолар пайдо бўлган захоти уни бартараф этишга чорлайдиган, муаммоларни мулоқот ва музокаралар йўли билан ҳал этувчи маданият,

с) ўз жамиятининг ички ривожиде ҳар кишининг тўла миқёсда унинг барча

ҳуқуқ ва имкониятларини амалга оширишда тўлиқ иштирокини таъминловчи маданият",

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Бардошлиликка бағишланган йилнинг тадбирларини давом эттиришда Бардошлилик тамойиллари Декларацияси ва Харақатлар дастурини эътибор олиб,

6. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йили Халқроқ тинчлик маданияти йили деб эълон қилинган муносабати билан ўзининг қониқсини билдириб,

7. Цивилизация учун тарихий аҳамиятга эга бўлган ва бу борада кўп қиррали маданият шартинда одамларни биргаликда яшашга ўргатиш олий мақсадини умумий демократияни эътироф этиб, қайта қуриш борасида кўмаклашишда Халқроқ тинчлик маданияти йили даврида ЮНЕСКО зиммасидаги катта масъулиятни тўла ан-

8. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисод ва ижтимоий Кенгашининг Бош Ассамблея номига янги минг йиллиқнинг дастлабки ўн йиллини тинчлик маданияти ва бутун дунё болалари учун зўравонлик бўлмаслигига бағишлаб халқроқ ўн йиллик деб эълон қилинган тўғрисидаги тавсияларни ёллаб,

9. Тарихий бурилиш босқичи бўладиган инсониятнинг янги минг йилликка киришини эътиборга олиб, одамлар илгарилари кўпнича уруш манбаири, зўравонлик ва ижтимоий адолатсизликка олиб келган қарашлар ва ҳаракатлардан воз кечилари ҳамда келажакда тинчлик маданиятига асосланган шундай қарашлар ва усуллар фаолиятини ўзлаштиришлари лозим,

10. ЮНЕСКОнинг барча тадбирлари тинчлик маданиятини тиклашга кўмаклашиши лозимлигини яна бир бор тасдиқлаб,

11. Тарбия соҳасида ху-

сусан ЮНЕСКО мажбуриятлари бардошлилик, инсон ҳуқуқлари ва демократия руҳида эканини таъкидлаб,

12. Янги минг йилликка киришда 2000-2001 йилларда ЮНЕСКО дастури "Тинчлик маданияти сари" номи олишнинг тавсия этиб,

13. Аъзо давлатлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги муассасалар, бошқа ҳукуматларро ва ноҳукумат ташкилотлардан 2000 йил — Халқроқ тинчлик маданияти йилини унутилмас тадбирлар билан нишонлашни сўраб, ҳозирданок унинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўришни лозим ва шу билан биргаликда бардошлилик ва зўравонлиқ билан нишонлашнинг тасдиқлашнинг таъминлаш, қашшоқлик ва ётсирлаш қарши кураш, бу энг аввало аёллар ва ёшлар манфаатларига, шунингдек энг оз ривожланган мамлакатларга хизмат қилади,

14. Ушбу қарорни амалга ошириш ва унинг кенг тарқалишини таъминлаш учун Бош директорга зарур чораларни қўриш таклиф этилади.

